



ҒАРМОҮИШ РАСПОРЯЖЕНИЕ

20 16 yil «20» Декабрь 412-Ф -son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 декабрдаги Ф-4760-сонли Фармойиши ижросини таъминлаш тўғрисида

Вилоятда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини, шу жумладан одамлар ҳаётининг муносиб даражасини таъминлаш, улар амалга оширилиши учун давлат органларининг роли ва масъулиятини кучайтириш, аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйиш ва уларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг янги самарали механизмлари ва усуллари жорий этиш, фуқароларни безовта қилаётган ҳаётий муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, **“Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ”** деган эзгу ғояни ҳаётга изчил жорий этиш юзасидан, шунингдек 2017 йил Ўзбекистон Республикасида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 декабрдаги “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисидаги Ф-4760-сонли Фармойиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича вилоят комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

3. Вилоят комиссияси (Рахимов, Исроилов, Қаршиев, Файзиева, Чиниев) жамоат ташкилотларини ва маҳаллий давлат ҳокимиятига қарашли бўлмаган ташкилотларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини кенг жалб этган ҳолда вилоят бошқарма ва ташкилотлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда ўн беш кун муддатда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва республика комиссиясига тақдим этсин.

4. Вилоят бошқарма ва ташкилотлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимиятига қарашли бўлмаган ташкилотлардан келиб тушаётган материаллар ва таклифларни умумлаштириш мақсадида ташкил этилган йиғма ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидаги муҳим устувор вазифалар амалга оширилиши бўйича аниқ таклифлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

қабул қилинган қонунлар, фармонлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бажарилиши, давлат органларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши бўйича улар ишининг самарадорлиги, улар томонидан инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этилиши, фуқароларнинг мурожаатларига муносабат билдирилиши юзасидан давлат ва жамоатчилик назоратининг доимий ишлайдиган таъсирчан механизмларини шакллантириш;

фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали механизмлари ва усуллари жорий этиш, шаҳар ва туман ҳокимларининг прокуратура ва ички ишлар органларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини амалиётга жорий этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

жойларда ташкил этиладиган “халқ қабулхоналари”ни моддий-техник ва молиявий асосларини белгилаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, фуқароларнинг мурожаатлари энг кўп тушадиган соҳаларда бюрократик тўсиқлар ва муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

талаб этиладиган давлат хизматларини аҳолига “ягона дарча” тамойили бўйича бир идора орқали кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, ушбу жараёнларга ва давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, “Электрон ҳукумат”нинг самарали тизимини шакллантириш;

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ва молиявий-иқтисодий саводхонлигини ошириш, фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш тизимини шакллантириш, жамиятда ҳуқуқбузарликка тоқатсизликни кучайтириш, “Адолат – қонун устуворлигида” тамойилини жамият ҳаётида кенг қарор топтириш;

иқтисодиётни бошқаришда, давлат хизматида замонавий фикрлайдиган, ташаббускор, маъсулиятли, касбий тайёрланган кадрларни жалб этишга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш ишларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш,

тадбиркорлик фаолияти учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулкнинг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ҳудудларни, айниқса ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган туманлар ва шаҳарларни, чекка аҳоли пунктларини комплекс, жадал ривожлантириш, тижорат банкларининг фаол иштирокида янги иш ўринларини яратилишини таъминлаш ва шу асосда аҳолининг ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш;

муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳоли ҳаёти шароитлари ва сифатини яхшилашга йўналтирилган янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон ва қулай уйлар куриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш;

таълим, ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш тизимларини, шу жумладан оналик ва болалиқни муҳоваза қилишни янада ривожлантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг иқтидорларини ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг ҳаётда муносиб ўринга эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

жамиятда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат ва бирдамлик вазиятини янада мустаҳкамлаш, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар фуқаролар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар яратиш, маҳалла институти, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, фахрийлар ташкилотларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш.

6. Мазкур фармойиш топшириқлари ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Ш.Бобоев

Тошкент вилояти ҳокимининг
2016 йил “20” декабрдаги
412-Ф-сонли фармойишига
1-илова

**“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури
лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича вилоят комиссияси
ТАРКИБИ**

№	Ф.И.О	Лавозими
1	Ш.Бобоев	Вилоят ҳокими, комиссия раиси
2	У.Рахимов	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
3	А.Абдуқодиров	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
4	О.Исраилов	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
5	А.Қаршиев	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
6	С.Файзиева	Вилоят ҳокими ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари
7	Д.Чиниев	Вилоят ҳокимлиги маъмурий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ёшлар сиёсати бўйича котибияти мудир, комиссия котиби
8	Ж.Файзиев	Вилоят прокурори
9	А.Бобоҳўжаев	Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи
10	Л.Мусашайхов	Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи
11	Б.Исламов	Вилоят Жиноят ишлари бўйича суд раиси
12	А.Эшанқулов	Вилоят ҳокимлигининг Ахборот-таҳлил хизмати раҳбари в.б.
13	А.Абдурахманов	Вилоят ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал курилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича котибияти мудир
14	А.Балтабоев	Вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича котибияти мудир
15	И.Касимов	Вилоят ҳокимлиги иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича котибияти мудир
16	Н.Кулбекова	Вилоят ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибияти
17	Ф.Суюнов	Вилоят Меҳнат бошқармаси бошлиғи
18	Б.Ахмедов	Вилоят Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи

19	Н.Розуқулов	Вилоят Халқ таълими бошқармаси
20	Б.Атамурадов	Вилоят Марказий банк бошқармаси бошлиғи
21	Д.Убайдуллаев	Вилоят Молия бошқармаси бошлиғи
22	Х.Тошпўлатов	Вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи
23	А.Чоршанбиев	Вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси
24	Х.Умиркулов	Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи
25	Ж.Носиров	Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
26	Ф.Маманов	Вилоят Савдо саноат палатаси бошқармаси бошлиғи
27	З.Эралиева	Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси
28	Б. Алимбеков	Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи
29	К.Тоирбеков	Рақобат бошқармаси бошлиғи в.б
30	Б.Алимов	“Тошкентгазтаъминот” УК директори
31	Н.Аминов	“Тошвилсувокова” АЖ директори
32	Э.Мирхолиқов	“Ягона буюртмачи хизмати” ИК директори в.в.б
33	И.Суворов	“Тошкент электр тармоқлари” АЖ директори в.б
34	Х.Тўлаганов	“Тошкентавтойўл” вилоят йўл ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси
35	О.Артиков	Вилоят Коммунал департаменти бошлиғи
36	Т.Тўраев	Вилоят фермерлар кенгаши раиси
37	Ғ.Шералиев	“Тошкент ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири
38	Х.Хамидов	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси
39	С.Асадов	“Нуроний” хайрия жамгармасининг вилоят бўлими
40	М.Назаров	Вилоят Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари
41	Д.Каримов	“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раиси
42	Лавозими бўйича	Шаҳар ва туман ҳокимлари

Тошкент вилояти ҳокимининг
2016 йил "20" декабрдаги
412-Ф- сонли фармойишига
2-илова

**Материаллар ва таклифларни умумлаштириш мақсадида
ташқил этилган йиғма ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

№	Ф.И.О	Лавозими
1	Ю.Ёқубхонов	Вилоят ҳокимлиги Худудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси бошлиғи, ишчи гуруҳ раҳбари
Ишчи гуруҳ аъзолари:		
2	Д.Чиниев	Вилоят ҳокимлиги маъмурий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ёшлар сиёсати бўйича котибияти мудир
3	А.Эшонқулов	Вилоят ҳокимлигининг Ахборот-таҳлил хизмати раҳбари в.б
4	А.Абдурахманов	Вилоят ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича котибияти мудир
5	А.Балтабоев	Вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича котибияти мудир
6	И.Касимов	Вилоят ҳокимлиги иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича котибияти мудир
7	И.Достонов	Вилоят ҳокимлиги жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибияти мудир
8	Н.Кулбекова	Вилоят ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибияти